



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Агзамходжаев Улуғбек Суратович

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10693371>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2024

Accepted: 21th February 2024

Online: 22th February 2024

KEYWORDS

Ички ишлар органи,
фуқаролик жамияти,
институт, инсон ҳуқуқ ва
эркинликлари.

ABSTRACT

Ушбу мақола Ички ишлар органи ва фуқаролик жамияти институтларининг моҳияти ҳамда ўзига хос хусусиятлари муаллиф томонидан таҳлил қилиниб, бу борадаги ҳуқуқшунос олимлар фикр-мулоҳазалари назарий таҳлил қилинган.

Ҳар қандай давлатда демократиянинг асосий белгиларидан мезони инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза қилинганлик даражасидир. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат куришнинг асосий шартининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишининг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масаласига бутун дунё аҳли катта эътибор билан қарамоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида турли ислохотларнинг амалга оширилиши, унинг кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътибор кучайганлигининг яққол далилидир.

Бу борада мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси ҳисобланган ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунки айнан ички ишлар органлари мустақил Ўзбекистоннинг мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик мавжуд бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Ички ишлар органлари – давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини турли ғайриқонуний тазйиқларидан ҳимоя қилади. Ички ишлар органлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мастаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини амалга оширади. Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифасини амалга оширишнинг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади.



Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибini сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзолади. Бунинг яққол мисоли сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни¹ қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, унда қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда мазкур ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффоқлик ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бир қаторда қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чоралари, шунингдек унинг ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг асослари ва тартиби ҳамда ходимларга нисбатан қўйиладиган талаб ва шартлар аниқ белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони², 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибini тубдан

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарорлари³ асосида ички ишлар органлари фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони⁴ ва мазкур Фармонга мувофиқ, 2021 йил 2 апрелда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори⁵, 2021 йил 15 апрелда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон Қарори⁶лари қабул қилинди.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш, уни тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилган бўлиб, унда вазирликнинг бир қатор бошқармалари негизида департаментлар ташкил этилди. Унга мувофиқ:

– Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти;

– Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

– Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

– Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти;

– Жазони ижро этиш бош бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментлари ташкил этилди.

³ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон; 01.06.2018 й., 06/18/5454/1290-сон, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 07.03.2019 й., 07/19/4229/2710-сон, 30.05.2019 й., 07/19/4343/3206-сон, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 27.01.2021 й., 06/21/6146/0065-сон; 24.02.2021 й., 06/21/6176/0156-сон, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон

⁴ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

⁵ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон

⁶ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон.



Албатта амалга оширилган ислохотлар негизида мазкур департаментларнинг ташкил этилиши ички ишлар органлари қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши асосий мезон сифатида эътироф этилиши билан белгиланади.

Фикримизча, қонун устуворлиги халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципдир. Чунки халқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода халқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул қилинган қонунлар халқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда, меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қонун устуворлиги қуйидаги учала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши - қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади. Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устуворлиги билан чекланиб қолмайди, балки халқимизнинг миллий-маънавий негизларига таянишни тақозо этади ва зарурий шарти қилиб кўяди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустақам кафолатлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш борасида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ўрни беқиёс.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгилашиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айти пайтда ўз



ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосини унинг институтлари ташкил этади. Шу ўринда савол туғилади: фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар киради?

Фуқаролик жамияти институтлари – одамларнинг фуқаролик жамиятига хос ижтимоий муносабатларини шакллантириш, шундай жамият манфаатларига хизмат қилувчи қадриятлар, қоидалар ва хулқ-атвор нормалари асосида меъёрланган дунёқараш, онг, маданият, маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш, жамиятни демократик тарзда ташкиллаштириш функцияларини бажаришга йўналтирилган мустақил ижтимоий уюшмалар йиғиндиси.

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик институтлари сирасига киради.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур.

Учинчидан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида устувор аҳамият касб этиши шарт. Бизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан мақсадимиз, аввало, кишиларимиз онгига демократик қадриятларни ва кўникмаларни изчиллик билан сингдириб боришдир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Тўртинчидан, Асосий Қонунимизда алоҳида, XIII боб ва 7 та модда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишлаганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди” (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 58-модда).



Бешинчидан, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми мустахкамланган бўлиб, 56-моддасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

34-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар” каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар эътироф этилган.

Ҳар қандай давлат уни қўллаб-қувватлайдиган ва фаолият юритишда қатнашадиган фуқароларнинг, демакки, улар бириккан жамоат ташкилотларининг фаоллиги билан кучлидир. Давлат ўз фаолиятини бажаришда турли-туман синфий, гуруҳий ва бошқа ҳар хил ижтимоий манфаатларини ифода этадиган нодавлат жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, умуминсоний кадриятларга таяниб иш тутса, бундай давлат демократик ҳуқуқий давлат бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги қонунда ва 1999 йилда қабул қилинган “Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги қонунда жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаси, уларнинг мақсади, турлари кўрсатилган. Бу қонунга асосан тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг фойда ундириб олишга кўмаклашадиган кооперативлар – жамоат бирлашмалари ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳисобланмайди.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун уларга қатор ҳуқуқлар беради. Масалан, улар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, давлат ҳокимияти органи ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қатнашишлари, ноширлик фаолиятини амалга оширишлари, ўз аъзолари ва иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Бундан кўриниб турибдики, жамоат бирлашмалари давлат ҳокимият органларининг функциясини амалга оширишда уларга кўмаклашадилар.

Жамоат бирлашмалари – давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётига, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотдир.

Жамоат бирлашмаларига: сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, фахрийлар ва ногиронларнинг ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва



бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига асосан, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат жамоат бирлашмаларига катта масъулият юклайди. Бундай масъулиятнинг асосий негизи ҳар қандай жамоат бирлашмаси олдида қўйилган ягона мақсадни яъни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояланган бўлиши, уларни давлат ва жамиятни бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Жамоат бирлашмалари республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўзларининг фикрларини билдиришлари ислоҳотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ҳамда барча аъзоларни уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлатнинг бир қатор функцияларини жамоат бирлашмаларига ўтиш имкониятини беради, Ўзбекистоннинг юксак ривожланиши, ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилади.

Жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштироки давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида амалга ошади. Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориш, сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етукликка интилиш ва энг муҳими молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиш керак. Дастури ва йўналишларидан қатъий назар, шак-шубҳасиз барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият олиб боришига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.
2. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.



3. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон; 01.06.2018 й., 06/18/5454/1290-сон, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 07.03.2019 й., 07/19/4229/2710-сон, 30.05.2019 й., 07/19/4343/3206-сон, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 27.01.2021 й., 06/21/6146/0065-сон; 24.02.2021 й., 06/21/6176/0156-сон, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон
4. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.
5. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон
6. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон.